2001 ЙИЛ 4 октябр, ПАЙШАНБА

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 119 (6.332). Сотувда эркин нархда

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

"Қишлоқ ҳаёти" Сизга ишда, ўқишда, оила даврасида энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй. Газетамизга 2002 йил учун обуна бўлишни унутманг! Бизнинг индекс: 144.

КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлди.**

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг жорий йилнинг тўққиз ойлик иш фаолияти якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мажмуа таркибига кирувчи вазирлик, қўмита, уюшма, компания, концерн, идора ва ташкилотлар рахбарлари иштирок этди.

● **Ўзбекистон Бадиий академиясининг яқиндагина иш бошлаган Замонавий санъат марказида жанубий кореялик рассомлар асарларининг кўргазмаси очилди.**

● Республика Таълим марказида «Педагогик технологиялар самарадорлигини аниқлаш мезонлари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари қатнашди.

● **Ўзбекистон Республикаси биржа марказида «Ўзбекистон корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш омиллари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг мажлислар залида хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Франция, Япония, Корея, Швейцария, Германия ҳамда Эрон элчихоналари ва бир қанча халқаро ташкилотлардан вакиллар, мамлакатимиз вазирлик ва идораларининг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туманлари ҳокимлари иштирок этди.

● **Чиноз тумани пахтакорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома-режасини бажарди. Чиноз-ликлар пахта хирмони 19 минг тоннадан ошди. Гектаридан ўртача 28,5 центнердан ҳосил олинди.**

● Фарғонада камондан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон Кубоги турнири ўз ниҳоясига етди. Унда иштирок этган спортчилар -ғолиблар ва совриндорлар спорт устаси нормативини бажаришди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1974-1983 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2001 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 2 октябрь

ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида сув тақчиллиги оқибатларини баҳолаш ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти аҳолисига ёрдам кўрсатиш бўйича Ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлди.

Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти туманлари ҳокимлари иштирок этди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори ва ҳукумат комиссиясининг шу йил 31 июлдаги мажлиси баённомасида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишига оид масала муҳокама этилди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Макроиқтисодиёт ва статистика вазири ўринбосари Б.Хўжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А.Тожиев ва Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамовнинг маърузалари тингланди.

Қайд этилганидек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида қурғоқчилик ва сув тақчиллиги оқибатларини бартараф этиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, сифатли ичимлик сув билан барқарор таъминлаш, сув тақчиллиги туфайли қишлоқда вақтинча ишламаётган кишиларни иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг мазкур қарорига биноан ҳудудда 4 миллиард 130 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган эди. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида минтақада 84 фоиз маблағ ўзлаштирилди.

ҒАМХЎРЛИК

Қорақалпоғистонда 97 километр сув қувурлари ишга туширилиб, 205 та аҳоли масканн ичимлик сув билан таъминланди. Қўнғирот -Мўйноқ сув ўтказгичи қурилиши бошланди. «Капарас» сув омборидаги насос станциясига 4 та насос қурилиб, суткасига 200 минг кубометр тоза сув етказиб бериш таъминланди. Мазкур сув омборидан Туямўйин-Нукус сув тозалагич иншоотигача 4,5 километр туташтириш қувурлари ўрнатилди. Ҳозир бу ерда химиявий ҳимоялаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Амударё, Тахтакўпир, Элликқалъа, Қораўзак туманларида ичимлик сув таъминотини яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Яйловларни сув билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, йиғилишда Амударё, Элликқалъа, Тахтакўпир туманларида магистрал сув ўтказгичларни фойдаланишга топшириш ишлари суст олиб борилаётгани танқид қилинди. Хусусан, Амударё туманида 49 фоиз, Элликқалъа туманида 52 фоиз, Тахтакўпир туманида бор-йўғи 35 фоиз маблағ ўзлаштирилган, холос.

Ҳукумат қарорига биноан, Хоразм вилоятида ҳам кўзда тутилган режалар изчил амалга оширилаётгани қайд этилди. Чунончи, 1 миллиард 295 миллион сўм маблағнинг 995 миллиони жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ўзлаштирилди. Вилоятда 165 километр сув қувурлари ётқизилиб, 35 та қудуқ қайта таъмирланди, 15 та янги қудуқ қазилди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятига моддий-техник ёрдам кўрсатиш режаси ҳам амалда бажарилди. Лекин Жиззах, Навоий, Наманган, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари томонидан техник ёрдам кўрсатиш сусайтириб юборилган.

Йиғилишда тегишли вазирлик ҳамда туман ҳокимларининг ахборотлари тингланди. Сув тақчиллиги оқибатларини енгиллатиш чора-тадбирлар дастурини ҳаётга жорий этиш учун ажратилган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов иштирок этди.

(ЎзА)

"ҲАЗОРБОҒ"НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

Денов тумани пахтакорлари бу йил "оқ олтин"дан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Маълумки, ҳар доим ва ҳар қандай шароитда эришилган ютуқлар асосини тадбиркорлик билан қилинган меҳнат ташкил этади: 2001 йил мавсумининг дастлабки хулосалари ҳам ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Тупроғи соз, сув таъминоти яхши бўлган "Ҳазорбоғ" ширкат хўжалиги Сурхондарёда тилга тушган ва демакки, кўпчиликнинг эътиборидаги жамоалардан ҳисобланади. Икки минг гектардан зиёд пахта майдонларини қудратли Ҳазорбоғ канали суғоради. Канал эса сувни Осмонталаш тоғларидан оқиб келадиган Тўпаланг дарёсидан олади. Шунинг учун Ҳазорбоғ каналининг суви ҳар қандай "Банақува"дан ширин ва ажойибдир. "Ҳазорбоғ"ликлар далаларни ана шундай ноёб сув билан суғорганликлари сабабли далада етиштириладиган маҳсулотлар бозорларда талаб бўлади. Россияда бу хўжаликнинг лимони етиб бормаган биронта шаҳар қолмади, десак, бизга ишонаверинг. Етти гектардан зиёд замонавий иссиқхоналарда етиштириладиган бу тансиқ меванинг тилладай товланиши иштаҳангизни қитиқлаб, ҳушингизни олади. Хурмо билан анорларни-ку, айтиб ўтирмаса ҳам бўлади - ҳазорбоғликлар келгуси анор пишиғигача дастурхонга анор қўйишнинг уддасидан чиқадиган тенги йўқ боғбонлардир. Бу тупроқда етишган қовун-тарвузларнинг довруғи-ку аллақачон Сурхондарёдан ташқариларга чиқиб кетган!

ТАҲЛИЛ

Аммо, "Ҳазорбоғ"нинг номини жуғрофий кенгликларни писанд қилмасдан оламга ёйган нарса пахтасидир. Шунинг учун ҳам бу хўжалик "пахта фабрикаси" номини олган. Ҳазорбоғликлар бу йил саккиз минг икки юз тонна пахта тайёрлаб, шартнома режасини сентябр ойининг охирида ўринлатди.

(Давоми 2-бетда)

БОЛАЖОНИМ - БАХТИМ МЕНИНГ!

Ҳ.ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

"ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Мамлакатимизда пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 2001 йил 3 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар:	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,72**	**120,55**
Тошкент	1,88	88,15
Фарғона	0,75	81,84
Қашқадарё	0,78	80,72
Навоий	1,18	79,22
Сурхондарё	0,70	77,45
Наманган	1,09	77,17
Хоразм	0,20	70,56
Бухоро	1,10	70,20
Самарқанд	0,94	67,12
Жиззах	1,35	57,98
Сирдарё	1,41	48,86
Қорақалпоғистон Республикаси	1,05	46,35
Республика бўйича:	**0,98**	**75,44**

АТИГИ ЮЗ САТР

ЛОҚАЙДЛИК

Боғнинг ёнгинасидан ўтган катта йўл ёқасида ёрилган қувурдан сизиб чиқаётган сув тупроқларни ивитиб, ўнқир-чўнқир жойларда "кўл" ҳосил қилганди.

Машиналар атрофга сув сачратиб ўтаркан, йўловчиларнинг дилидан тузатиб қўйса бўлмайдими, деган ўй кечади. Тез орада тузатишмади. Қандай бўлса ўша аҳволда ҳафталаб, ойлаб ётди. Сув оқимини боғ томон буриб қўйса-ю, дарахтлар, ўсимликлар оби-ҳаётдан бахраманд бўлса... Афсус, яқин атрофда бир жонкуяр киши топилмади. Сув танқис бир пайтда юқоридаги кўринишга дуч келиб, ҳайратланмай бўлмайди.

Яна бир воқеани эшитдик. Дўконда навбат кутиб турган бир кишининг тоби қочиб қолибди, кўксини чангаллаб, ерга ўтириб қолибди. Башанг кийинган, димоғдор, маданиятли дўкон эгаси сотувчиларга "Олиб чиқинглар, эҳтимол "отиб олгандир, балки, касалдир. Ўлиб қолса, бош оғриғи бўлади" дебди пинагини бузмай. "Мен ичган эмасман, юрагим бир оз ..."

Йўқ, унинг гапларига қулоқ солишмабди. "Меҳрибонлик" билан суяб, ташқарига, эшик олдидан нарироққа олиб чиқиб қўйишибди. Бу ҳолат "дунёни сув босса ўрдак "менга нима", дер экан" деган нақлни эслатди.

...Копток талашаётган икки болани, муштлашаётган ўсмирларни кўриб келиштириб қўйишни уддасидан чиқамизми? Бекатда туриб, такаббурлик билан писта пўчоғини ҳар томон пуфлаётган балоғат ёшидаги қизга танбеҳ бериб, "уйингда ҳам шу ишни қиласанми?! Шу феълинг билан бировнинг уйига борсанг, ҳаётинг қандай кечаркин", дейиш дилимиздан ўтадими? Дилимиздан ўтса, нега индамаймиз? Чунки, лоқайдмиз, лоқайдликка кўникканмиз. "Лоқайдлик – қалбнинг мажруҳлигидир" деган эди мутафаккирлардан бири. Дунёни гўзаллик асрайди, деб таъкидлашни ёқтирамиз. Дунёни лоқайдлик ва беғамлик хароб қилади, деб айтиш ҳам мумкин-ку? Менга нима, сен менга тегма, мен сенга... Нима бўлса бўлар, каби иборалар қалб мажруҳлиги сирасига кирмайдими? Бировнинг дардини ўз дардимиздек қабул қилмасак, яхши кунидан қувонмасак, меҳр-оқибатли, саховатли, бағри кенг бўлмасак, табиатимизда иймон барқарор бўлармикин?

Ҳ.КАМОЛОВА

ДАЛАСИДАН ЎРГИЛГАН ДЕҲҚОН

Наманган вилоятининг собиқ раҳбарларидан бири билан косонсойлик уста деҳқон Турсунхон ака Муртазоев (икковларини ҳам худо раҳмат қилсин) тенгқур ва биродар эдилар. Саккиз йил бурун уларнинг мен гувоҳ бўлган бир суҳбатида мустақиллик деҳқонга берган имтиёзлар хусусида гап кетди.

-Мустақиллик менга ерга эгалик қилиш имконини берди, - деганди ўшанда Турсунхон ака.

У кишидан бу гапларни эшитиб ҳайратланишга асос бор: чунки, у хўжаликда узоқ йиллар бригадир, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган одам. Лекин, шуниси ҳам борки, у замонда Турсунхон акаларнинг ерга эгалик даражаси Ойбек домла тасвирлаган Ёрматнинг хўжайинига тегишли далаларни "бизники" деб қувониши-дан ортиқ эмасди.

ИБРАТ

Айтиш мумкинки, Турсунхон Муртазоев ташкил этган "Турсунхонобод" каби республикамиздаги ўнлаб, юзлаб фермер хўжаликлари Истиқлол фарзанди. Энди чинакам мулкдор бўлган фермер ерни, ер эса озод элни боқмоқда.

Бугун қишлоққа фермерлик билан бирга деҳқон хўжалиги юритишга қизиқиш каттаки, мамлакатимиз раҳбарияти бу соҳада барча эшикларни очиб қўйди. Бироқ, эшик деганлари шундоқ нарсаки, ташқи қулфи очилгани билан, ичкаридан беркитиб олсалар чатоқ. "Деҳқон хўжалиги ташкил этаман" деб кўксига урган, аммо ерни олгач, уддасидан чиқолмаганларни ана шундайларга ўхшатиш мумкин. Яқинда Чортоқ туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалигида тўртта деҳқон хўжалиги тасарруфига берилган далалар қайтариб олинди.

-Чунки ер ўзининг ҳақиқий эгаларини топмаганди, - дейди вилоят ер ресурслари бошқармаси Чортоқ туман тизими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Анвар Дадахўжаев. – Ҳолбуки, бизнинг шароитимизда 3 мартагача ҳосил олиш мумкин. Ўтган йили элликка яқин деҳқон хўжалигида даромад ярим миллион сўмдан юқори бўлди. Шундай бўлгач, бўрсиллаган сувли ерни икки йилгача қаровсиз қолдирган одамларга ортиқ ишониб бўлмайди-да.

(Давоми 3-бетда)

ИСЛОҲОТ

Халқи бой мамлакат қудратли бўлур. Бу сўз замирида катта маъно ва мазмун бор. Мамлакатимиз Мустақилликка эришгач, асосий эътиборни халқи фаровонлигига қаратганлиги ҳам бежиз эмас. Республикамиздаги фермерлик ҳаракатида ҳам айнан халқнинг мулк эгаси бўлишдек орзулари мужассамлашди.

"ЖАМОЛ ОТА"НИНГ БАРАКАСИ

Бугунги кунда юзлаб фермерлар ўзларининг шахсий хўжаликларини оёққа турғазиб, катта мулк ва маблағ соҳиби бўлишаётир.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари, ҳалол меҳнатлари, тадбиркорлик фаолиятлари нафақат ўзларининг шахсий манфаатларини рўёбга чиқараётир, балки, мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширишга, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасини юзага чиқаришга хизмат қилаётир.

(Давоми 3-бетда)

СОХТАЛИК – АҚЛИ КАЛТАЛИК

Халқимиз азалдан пахтани оқ олтинга менгзайди. Чунки бу қиймматли хом ашё мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шу боис ислоҳот йилларида пахтачиликка алоҳида эътибор қаратилди. Сирдарё вилоятида ҳам юқоридаги саъй-ҳаракатнинг мазмун ва моҳиятини яхши тушунган пахтакорлар ҳар йилги мавсумни тез ва соз ўтказишга азму қарор қиладилар.

Хўш, бу йилги мавсум мазкур вилоятда қандай ўтмоқда? Йиғимтеримни қисқа фурсатларда сифатли тарзда поёнига етказиш учун тайёргарлик ишлари пишиқ-пухта бўлдими? Далалардаги барча ҳосилни тезда давлат омборларига ғамлаб олиш учун ҳамма зарур имконият ва омил-лар ишга солиняптими? Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 августдаги "2001 йилги пахта ҳосилини йиғиштириб олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан сўнг қандай самарали тадбирлар кўрилди? Афсуски, ҳозирги кунларда юқоридаги саволларга ижобий жавоб бериш амри маҳол.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Вилоятда 3 октябрга қадар шартномавий режанинг атиги 48,8 фоизи миқдорида пахта тайёрлангани фикримизнинг далили бўла олади. Нега бундай оқсашга йўл қўйилмоқда, хом ашё тайёрлаш суръатлари нега ниҳоятда суст? Бунинг сабаблари бор, албатта. Маълумки, мазкур қўриқ минтақада техника кучига кўпроқ таяниш оддий ҳақиқатга айланган эди. Лекин шунга қарамай мавжуд 176 та "Кейс" комбайнидан 24 таси мутлақо ишга туширилмади. Мавжуд 135 минг гектар пахта майдонининг бор-йўғи 110 минг гектарида дефолиация ўтказилди, холос. Гулистон, Сирдарё, Ховос туманларида ғўза баргини сунъий тўктириш тадбирлари ўз вақтида тугалланмади. Бундай совуққонликка йўл қўйган ушбу туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари раҳбарлари Б.Бобоқулов, Х.Раззоқов ва Т.Қаюмовларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди. Шунингдек, Сирдарё туманидаги қатор ширкат хўжаликларида машина ва техникалар мавсумга вақтида тайёр этилмаганлиги учун мутасадди мутахассислар огоҳлантирилди.

(Давоми 2-бетда)

МУЛОҲАЗА

Ажаб замонлар келди-да! Истиқлол туфайли хорижга чиққан қайсидир юртдошимиз бир пайтлар чет тили дарсидан қочиб кинога кирганлигини эслаб, тил билмаслигидан хижолат чекаётган бўлса, не ажаб.

Эндигина боғчага қатнаётган фарзандингиз ёдлаган инглизча шеърини чуғурлаб айтиб берса, ҳайратланасизми? Каттароқ идорага иш сўраб боргудек бўлсангиз,

ЎЗИНГДАН ҚУЙМАСИН, ОНА ТИЛИМ...

биринчи навбатда қайси тилни билишингизни сўрашса ҳам, ҳайрон қолмайсиз.

Тўғри-да, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тобора юқорироқ мавқе касб эта бориши учун, аввало ҳар биримиздан жаҳон тилларидан етарли даражада хабардор бўлиш тақозо этилади. Таълим муассасаларида ҳам тил ўргатиш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётгани фикримизнинг далилидир.

(Давоми 2-бетда)

ХИВА ФИРДАВСИ

Самарқанд сайқали рўйи замин аст,
Бухоро қуввати исломи дин аст.
Ҳазорасп қалъаи хўб жойи маҳкам,
Хива фирдавси, Раббил оламин аст.

Ота-боболаримиз бу қадар юксак таърифлаган Хива шаҳрининг ҳақиқий тарихини мозийнинг узоқ қаъридан – милодгача бўлган охирги минг йилликнинг дастлабки асрларидан изламоқ зарур. Чунки, шаҳарга айнан ўша даврларда асос солинган. Ривоят қилишларича, Яратганнинг иродаси билан рўй берган бутун олам тошқини бир қадар тинчиб, курраи замин бағрида ороллар ҳосил бўла бошлаган паллада Нуҳ пайғамбарнинг кемаси Хоразм сарҳадларини ёқалаб ўтади. Шунда Нуҳ пайғамбарнинг ўғли Сом отасидан рухсат олиб соҳилга тушади ва шу ерда тунаб қолади. Тушида унга атрофда минглаб машъалалар ёниб тургани кўринади. Эртаси тонгда тушининг таъбирини отасидан сўраганида, бу жуда муқаддас ва тоза жойлар эканлигини ай-тиб, ўша жойнинг атрофини қўрғон билан ўраб олишни ва унинг ичида аҳоли учун турар жойлар қуришни амр этади. Ўғил ота даъватини бажаришга қаттиқ бел боғлаб, жаннатларда таъриф қилингандек, бир кўркам шаҳар барпо этади. Буюк карвон йўлида жойлашганлиги учун у ерда савдогарлар тез-тез бўлиб туришарди. Шаҳарга тушиб, унинг чуқур қудуғидан отилиб чиқаётган оби ҳаётдан баҳра олган йўловчилар ҳайратдан "Хей-воҳ" деб юборишган. Буни ўзларича талқин қилган маҳаллий аҳоли шаҳарни "Хей-воҳ", "Хивақ" деб атай бошлаган.

МОЗИЙГА НАЗАР

Бу – ўзида аждодларимиз кечмишини мужассамлаштирган бир ривоят, холос. Аммо Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги Археология институтининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан олиб борилган ҳар томонлама тадқиқотлар натижасида бу ривоятнинг ҳақиқатга яқинлигини исботловчи кўплаб далиллар топилди.

Исботланган археологик материалларга ва ёзма манбаларга асосланиб, Хива шаҳрининг кўҳна тарихини шартли равишда беш даврга бўлиш мумкин.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА: ДОВОНДАН ОШИШ БАХТИ | "ЧИЛЛАКИ" - ИСТИҚБОЛЛИ НАВ | ОЛТИН ОШИҒИ

ДАВР

ДОЛЗАРБ АНЖУМАН

Тошкент автомобил-йўллар институтида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси мамлакатимиз автомобил-йўл мажмуини ривожлантириш муаммоларига бағишланди.

Унда ўқув жараёнини автотранспорт мажмуи билан уйғунлаштириш, мамлакатимиз автомобилсозлик саноати учун қадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, олий ўқув юртлари ва Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли илмий-тадқиқот институтларининг олий таълим ҳамда бевосита ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорлигини ривожлантиришга эътибор қаратилди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Қорақалпоғистоннинг Қонликўл туманидаги шолини қайта ишлашга ихтисослашган «Қорабойлигуруч» акциядорлик жамияти сўнгги икки йилда содир бўлган сув тақчиллиги боис ўз фаолиятини тўхтатган эди.

Жамоа раҳбарияти саъйи ҳаракатлари туфайли цехлардан бири қайта жиҳозланиб, соатига 2,5-3 тонна йодланган ош тузи тайёрлаш йўлга қўйилди. Атиги икки ойда таъмирланиб, ишга туширилган бу цехда 60 киши иш билан таъминланди.

Маҳсулот турли ҳажмларда қадоқланиб, савдога чиқарилмоқда.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Бухородаги «Ҳумо» спорт мажмуида мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири бошланди.

Унда 16 мамлакатдан ракетка усталари иштирок этмоқда.

Халқаро турнирда дастлабки саралаш мусобақалари бошланди. Голиблар 6 октябр куни аниқланади.

(ЎзА)

ШОЛИГА ЎРОҚ ТУШДИ

Сирдарё тумани, "Шоликор" ширкат хўжалигида шоли ўрими бошланди. Далаларда 8 та "Кейс" ва 6 та "Енисей"русумли комбайнлар кечаю кундуз ишлатилмоқда.

- Шоликорларимиз ҳосилдорликни 40 центнерга етказишмоқчи,- деди хўжалик раҳбари Аширхон Боймишев "Туркистон-пресс" мухбирига. -Ўтган йили шартномани ортиғи билан бажарганимиз сабабли деҳқонларимизнинг манфаатдорлиги кўнгилдагидек бўлди. Тажрибали шоликорлар режадагидан тўрт-беш тоннадан ортиқ маҳсулот олишди. Шолини гуручга айлантирадиган тегирмонимиз тўхтовсиз ишлаганини айтмайсиз.

- Фойдамизга иккита трактор ҳам сотиб олдик, - суҳбатга қўшилади бош иқтисодчи Алимбой Асабоев. - Айни чоғда бу техника шоликорларимизга жуда асқотяпти.

Бош иқтисодчининг сўзига қараганда хўжалик ерлари бу йил 62 нафар ижарачи ўртасида тақсимланган. Сарф-харажатларнинг барчаси ҳисобга олинган. Чунки тежамкорликсиз фойда кўриб бўлмайди. Агар давлат омборларига ўз вақтида 3343 тонна шоли етказиб берилса, қолган дон ижарачилар ўртасида адолатли тақсимланади

- Шолимизнинг нави ҳам бозоргир — "Мустақиллик", "Аланга" ва "Ўзруз" — бошқа жойларда бунақаси йўқ, - сўзини давом эттиради Аширхон Боймишев. - Бу навлардан 400 тонна уруғлик ҳам тайёрлаймиз. Буям кони фойда. Ҳозиргача 350 гектар ердаги ҳосил йиғиштириб олинди. Мақсад ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан шолини йиғиштириб олишдир. Шу мақсадда "Ўзагроимпекс" компаниясининг Нукусдаги базасидан бешта "Янмар" русумли япон комбайнларини ҳам келтиришга битим туздик. Эрта-индин бу техникалар ҳам далага тушса, йиғим-терим ишлари янада тезлашиб кетади.

"Туркистон-пресс"

"ҲАЗОРБОҒ"НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

(Боши 1-бетда)

"Ҳазорбоғ" "Ҳазорбоғ" бўлгандан бери бундай юқори суръат ва натижага эришилмаган эди! Ўртача ҳосилдорлик ўттиз саккиз центнерни ташкил этди: бу кўп илғорлар орзу қиладиган кўрсаткичдир. Жовли Дониёров бошлиқ 11-агроучасткада эса ўртача ҳосилдорлик 42 центнердан ошиб кетди.

Бу йил Ҳазорбоғ канали бир кун ҳам тўлиб оқмади. Кўплар қатори ҳазорбоғликлар ҳам борига қаноат қилишди: тўрт-беш марта сув ичиши лозим бўлган пахтазорлар икки-уч сув билан қолиб кетди; чунки йўқни йўндириб бўлмайди! Сув шу даражада кам бўлдики, ҳатто зовурларнинг сизот сувлари қуриб қолди. Аммо, ҳазорбоғликлар ана шундай... ночор ва ноилож шароитда худди ғалла сингари пахтадан ҳам мўл ва эртаги ҳосил етиштирдилар.

Кўнглимиздан кечади: агар сув билан маъданли ўғит эҳтиёжга яраша бўлганида бу йил "Ҳазорбоғ"нинг пахтаси ҳеч ерга сиғмас эди.

Шундай... оғир йилда, оғир шароитда ҳазорбоғликлар қандай қилиб пахтадан бунчалар кўп ҳосил етиштирдилар? Айтсак ишонмайсиз, ғўза уч-тўрт бўғин бўлганда 2176 гектар пахта экилган майдоннинг ҳаммаси ҳазорбоғликлар... яратган махсус чизеллар билан қирқ-қирқ беш сантиметр чуқурликда ишланди. Бизни маъзур тутасиз-у, кўп жойларда қудратли ва ҳайбатли қизил трактор судраб юрган плугларни ерга қирқ сантиметр ботириб бўлмайди. Бу ерда эса пахта қатор орасида ишлатилаётган чизел қирқ беш сантиметр ботади. Ана шундай пайтда ернинг юзи титраганини ҳайрат билан кузатасиз: тупроқ тракторнинг орқасидан сувдай оқади! Шу тариқа сувнинг тақчиллиги... сезилмади.

Кўпгина сабабларга кўра маъданли ўғитнинг эса эҳтиёжга нисбатан учдан икки қисми пахтакорнинг қўлига етиб борди – таъминотчи идоралар билан йил бошида тузилган шартномалар ҳам ваъдадан нарига ўтолмади. Аммо, ҳазорбоғликлар бу тақчилликнинг ўрнини маҳаллий ўғитлар билан қопладилар. Натижа кўнгилдагидек бўлди.

Тажрибали ва зукко пахтакорларнинг айтишича, бу йил ялпи хирмон 10 минг тоннага етади: далаларда ҳосил кўп бўлишидан ташқари октябр бошланмасдан ғалла ўрнига экилган кечки пахтани теришга киришдилар – кўп йиллардан бери ҳеч бунақаси бўлмаган эди. 218 гектар майдондаги ана шундай пахтадан 400 тоннадан зиёд ҳосил териб олишни мўлжаллаб туришибди.

Энг муҳим гап: ўн йилдан буён ҳукумат қарори билан хўжалик тажриба тариқасида ўзи етиштирган пахтани ўзи қабул қилиб, Хайробод заводида чигитлаб олади, чигитни ҳам қатъий буюртма асосида... ўзи сотади ва табиийки, даромадни бегона қилмайди. Бу йил ҳазорбоғликлар фақат пахтачиликнинг ўзидан тахминан 400 миллион сўм соф фойда кўришни мўлжаллаб туришибди.

-Бунча пулни нима қиласизлар? – деб ҳазиллашган киши бўлдик раис Хидир ака Тоғаевга.

-Меҳнаткашларнинг ижтимоий муаммоларини яхшилашга, ичимлик сув барқарорлигини таъминлашга сарфлаймиз, - деди раҳбар босиқлик билан.

Раиснинг бу нияти бизнинг ҳам кўнглимизни кўтариб юборди. Зотан, қанотининг ғамини емаган бургут парвозни баланд ололмайди: моддий неъматлар яратаётган меҳнаткашларнинг муаммолари бартараф этиладиган бўлса, яхши ютуқларнинг ўзи эниб келади.

Тожиддин РАЗЗОҚ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Бахмал туманида "Бахмал-шароб" ҳиссадорлик жамияти корхонасининг ишга туширилиши аввало 120 та иш ўрни яратилиши учун имкон берди.
Ҳозир бу корхонада турли хил ичимликлар ишлаб чиқарилмоқда.
СУРАТДА: илғор ишчилар Махфират Ҳайдарова ва Марғуба Эргашева.

К.ЖЎРАҚУЛОВ олган сурат.

"ПУДРАТНИНГ ҚУДРАТИГА ТАН БЕРДИК"

"Ишни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг энг мақбул йўли қайси?" деган саволга бугунги кунда кўпчилик "Пудрат усули" деб жавоб бермоқда.

Чунки ер ижарагача олиниб, меҳнат пудрат асосида уюштирилганда барча сарф-харажатлар, моддий манфаатдорлик аниқ-равшан кўриниб туради. Пудратчи неча тонна ҳосил топширса, қанча даромад кўришини яхши билганлиги туфайли иқтисодий кўрсаткичларни имкон қадар яхшилашга интилади.

ЭЪТИРОФ

Нишон туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги пахтакорлари фаолиятига назар ташласак, юқоридаги фикрга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз. Хўжаликда пудрат усули кенг жорий этилганлиги туфайли бу йил мўл ҳосил етиштирилди ва у уюшқоқлик билан саранжомлаб олинмоқда.

-Пудратнинг қудратига тан бердик,- дейди хўжалик раҳбари Ғулом Хушшиев. - Ўнлаб пудратчиларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ ҳосилдорликни 40-45 центнердан ошириб юборишди. Хусусан, Бахтиёр Рушанов, Обид Тўлаев, Даврон Тугалов сингари пудратчилар 10-20 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, шартнома режасини 130-140 фоизга адо этишди. Эшмурод Ўткиров бош пудратчи бўлган жамоа меҳнат беллашувида олдинги сафда бормоқда.

Дарҳақиқат, 570 гектар ерда пахта етиштирган хўжалик заршунослари ҳозиргача 1566 тонна ўрнига 1680 тоннадан зиёд "оқ олтин" сотдилар. Пахтачиликдан кўриладиган фойдани 120 миллион сўмдан оширишга азму-қарор қилган хўжалик пахтакорлари йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдалар.

Б.МУРОДОВ

Мамлакатимизда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қўшма корхоналар сони тобора ортиб бормоқда. Наманган-даги "Силк-Road" ўзбек-япон қўшма корхонаси шулар жумласидандир. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати жаҳон андозаларига мослиги ва харидоргирлиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: йигирув цехи устаси Шокиржон Бозоров йигирувчилар Карима Эгамбердиева, Каромат Жўраева, Маъмура Тожибоева, Адиба Мамажонова ҳамда Насиба Собировларга йўл-йўриқ бермоқда.

П.АКБАРОВ олган сурат.

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

"ВИТАВАКС" СЕРХОСИЯТ ЭКАН"

Газетамизнинг шу йил 10 август сонида "Муаммо ва ечим" рукни остида юқоридаги сарлавҳали таҳлилий мақола босилганди. Унда АҚШнинг "Юниройал кемикал" компанияси томонидан ишлаб чиқариладиган, жаҳоннинг қирқдан ортиқ мамлакатида йилига 50 миллион гектар ерда қўлланиладиган "Витавакс" препарати Ўзбекистонда ҳам уруғлик чигит, илдиз чириш касалликларига қарши курашда ва ўсимлик ривожини тезлаштиришда синаб кўрилиб, яхши натижага эришилаётганлиги ҳақида фикр юритилганди. Ушбу мақолага қуйидаги жавоблар олинди:

* * *

"Қишлоқ ҳаёти" мухбири С.Сайдалиевнинг "Витавакс" ҳақида ёзган мақоласи алоқадор мутахассислар эътиборини қозонди. Муаллиф бу препарат хосияти ҳақида кенг фикр юритиб, моҳиятини тўла-тўкис юзага чиқарган. Мақолада ривожланган хорижий мамлакатларда ана шу дори қандай мавқега эга эканлиги қайд этилган.

Дарҳақиқат, "Витавакс 200 ФФ" препарати ҳам фунгицид, ҳам стимуляторлик хусусиятига эга эканлиги яхши маълум. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтида уч йил давомида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра 1 тонна уруғлик чигитга 4-6 литр меъёрда "Витавакс 200 ФФ" моддаси билан ишлов берилганда, касалликлар 8 фоизгача камайди, кўсаклар сони ҳар туп гўзада 0,5-1,2 донага, биринчи теримда пахта салмоғи 15-17 фоиз, ҳосилдорлик эса гектарига 1,9-5,4 центнергача ошди. Юқоридагиларга ўхшаш натижалар республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида кенг майдонларда олиб борилган синов ишларида ҳам исботланди.

"Витавакс" серхосият экан" мақоласи долзарб мавзуда ёзилганлигини эътироф этамиз.

Ш.НУРМАТОВ,
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, ҚХИИЧМ Бош директори.

* * *

"Витавакс" серхосият экан" сарлавҳали мақолада таҳлил қилинган муаммолар тўғри кўрсатилган бўлиб, ғўзанинг дастлабки ривожланиш даврида бир неча турдаги касалликлар учрайди ва уларнинг таъсири оқибатида ҳосилдорлик кескин камаяди.

Кейинги йилларда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳаси мутахассислари томонидан уруғлик чигитни дорилаш йўли билан ғўзанинг илдиз чириш касаллигига қарши курашда "Витавакс 200 ФФ" препарати дала тажрибаларида кенг синалмоқда. Ғўза ниҳолларининг илдиз чириш касаллигига чалинмаслиги туфайли тўлиқ кўчат олишга эришилганлиги Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё ва Фарғона водийси вилоятларида ўтказилган дала синов тажрибаларида кузатилди ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда кимёвий воситаларнинг республикамиз шароитига мослигини ўрганиш ҳамда хатоларга йўл қўймаслик учун маълум бир вақт текшириш ишлари давом эттирилади.

"Ўзқишлоқхўжаликкимё" давлат акциядорлик компанияси "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг долзарб мавзуларни ёритишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

О.УЗОҚОВ,
"Ўзқишлоқхўжаликкимё" давлат акциядорлик компанияси раисининг ўринбосари.

ҒУЗОР ҚОРАКЎЛИНИНГ ЖИЛОСИ

Ғузор туманидаги «Ғузор» қоракўлчилик-наслчилик хўжалигида тайёрланган қоракўл терилар Франция тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ассоциациясининг олтин медалига сазовор бўлди.

Ушбу чорвачилик маҳсулоти юқори сифати ва жаҳон андозаларига мослиги учун шундай олий мукофот билан тақдирланди.

Бундай муваффақиятдан руҳланган ғузорлик чорвадорлар қиймматбаҳо хомашё ҳисобланган қоракўл терилари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

(ЎзА)

СОХТАЛИК – АҚЛИ КАЛТАЛИК

(Боши 1-бетда)

Халқимизда лоқайдлик ва сохталик, беғамлик ва бефарқлик - ақли калталик, деган гапнинг борлиги бежиз эмас экан. Шундай долзарб дамларда баъзи бир кимсаларнинг қилаётган қилмишларидан ёқа ушлайсан, киши. "Малик" уруғлик чигит тайёрлаш корхонаси омбор мудири Жўравой Елабатовнинг хаттиҳаракати ҳеч бир ақлга сиғмайди. У тайёрланган ҳосилларни ёғин-сочинли кунлардан сақлаш учун ишлатиладиган брезент чодирлардан 17 тасини талон-торож қилиб юборишга улгурибди. Улар 4281977 сўмлик давлат мулки демакдир.

Текширувларда юқоридагига ўхшаш яна кўпол хато ва камчиликларга дуч келинди. Жумладан, Ш.Рашидов туманида 29 та "Кейс" машинасидан 16 таси носос бўлгани ҳолда статистика бўлимига 28 та машина тайёр деган ёлғон маълумот берилган. Инсофсизлик ҳам шунчалик бўладими?! Шунингдек, Меҳнатобод туман прокуратураси "Янгиер" ва "Хўжаобод" деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмалари, Ҳамза номли ширкатлар уюшмасида қатор кўрак териш ва чувиш машиналари носозлигини аниқлади. Уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилди.

Яна бир гап. Терим мавсумида банд бўлган кишиларга ҳар беш кунда ҳақ бериб туриш услуби ўзини оқлаётир. Лекин вилоятда бу борада ҳам катта камчиликларга йўл қўйилган. Масалан, сентябрнинг иккинчи беш кунлиги учун теримчиларга берилиши лозим бўлган 209750 минг сўмдан 18910 минг сўми 20 сентябрга қадар тарқатилмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Учинчи беш кунликда эса 660033,2 минг сўмдан 549033,2 минг сўми эгаларига етиб бормаган. Бу борадаги камчиликлар ҳам текширувлардан сўнг тезда тугатилди.

Сирдарё туманидаги И.Каримов номли ширкат хўжалигида яшовчи фуқаролар М.Раҳимов ва О.Муродовларнинг қилган ишларига астағфирулло демай иложингиз йўқ. Улар 21777 сўмлик пахтани четга сотиш учун олиб кетаётганларида қўлга тушдилар. Уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Айни кунда ҳамма пахтакор. Ана шу тушунчадан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, йўл қўйилган хато ва камчиликларни зудлик билан тугатсак, фақат ютган бўламиз. Бу борада ҳаммамиз қатъий чора-тадбирлар кўришимиз керак. Зеро, қонун устуворлиги таъминланган жойда барча ишлар сифати кўнгилдагидек бўлади. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори ва унинг ижроси баайни ана шундай фаолият кўрсатишимизни тақозо этмоқда.

Турғун ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

«ТЕРРОРЧИЛИК - ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД»

«Шератон-Тошкент» меҳмонхонасида шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Ю.Шодиметов бошқарган мазкур тадбирда алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, диний конфессиялар, шунингдек, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманда терроризм бугунги кунда инсоният бошига мисли кўрилмаган кулфат солувчи дахшатли куч бўлиб майдонга чиқаётгани, шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримов ХХ1 асрнинг ана шу энг хавфли иллатига қарши халқаро аксилтеррор маркази тузиш, унга қарши кураш жараёнида нафақат кўпорувчилик ҳаракатларининг олдини олиш, балки уни рағбатлантирувчиларнинг пайини қирқиш, терроризмнинг молиявий манбаларини йўқотиш зарурлигини бот-бот уқдираётгани таъкидланди.

Анжуманда террорчилик келтириб чиқариши мумкин бўлган аянчли оқибатларнинг олдини олиш йўлларидан бири - аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида унинг ёвуз мақсади ва асл моҳиятини кенг тушунтиришдан иборат эканига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун оилада, таълимнинг барча босқичларида тарғибот ишларини янада жонлантириш зарур. Бу борада маҳалла фаоллари, ёшлар билан ишловчи ташкилот, жамғарма, сиёсий партиялар, диний идоралар, матбуот воситаларининг ўрни, айниқса, каттадир.

(ЎзА)

"УФҚ"ҚА ЯНА БИТТА ГРАНТ

Қашқадарё вилояти "Уфқ" бизнес-инкубатори томонидан тақдим этилган лойиҳа Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси (Сорос)нинг 5368 АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлди.

Ушбу лойиҳа доирасида "Уфқ"нинг қошида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси фермер хўжаликлари, кичик бизнес вакиллари ва якка тартибдаги тадбиркорларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш, уларни шу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш, ишбилармонларнинг манфаатларини судда ҳимоя қилишдан иборат. Мазкур ҳуқуқий хизматлар лойиҳани амалга оширишга жалб этилган юқори малакали юристлар томонидан кўрсатилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг бошида "Уфқ" бизнес-инкубатори фермерларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳани тайёрлаб "Евроосиё" жамғармасининг 22,7 минг долларлик грантини қўлга киритган эди.

"Туркистон-пресс"

ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

2001 йилнинг 1 октябридан бошлаб

Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган барча шахслар ўз ишларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ва шаҳар ҳокимликларида «бир идора орқали» шаклида махсус ташкил қилинган бўлимларига қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

- якка тартибдаги тадбиркорлар учун 4 та ҳужжат:
давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза;
3х4 ўлчамли иккита фотосурат;
рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада) ҳамда паспорт.
- юридик шахслар учун 6 та ҳужжат:
ариза;
корхона таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;
муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).
- фермер хўжаликлари учун 8 та ҳужжат:
ариза;
қишлоқ хўжалиги кооперативи умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори;
Низомнинг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси;
тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;
рўйхатдан ўтказиш йиғимининг тўланганлиги ҳақида банк ҳужжати;
фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;
танлов комиссиясининг ер участкаси бериш ҳақидаги баённомаси, бизнес-режа нусхалари;
муҳр ва штамп эскизлари (уч нусхада).

Солиқ инспекцияси, статистика органлари ва Ички ишлар бошқармасининг тегишли бўлимларида ҳисобга қўйиш ва рухсат олиш ишларининг ҳаммаси рўйхатдан ўтказиш идоралари томонидан амалга оширилади.

Ариза берилган кундан эътиборан, якка тартибдаги тадбиркорлар 8 кунда, юридик шахслар ва фермерлар 12 кунда тўлиқ таъсис ҳужжатларини ўз қўлига оладилар.

Рўйхатдан ўтказиш идораларига топширилаётган таъсис ҳужжатларини туман ва шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ёки консалтинг фирмалари тайёрлаб берадилар.

ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ОНА ТИЛИМ...

(Боши 1-бетда)

Албатта, қанча кўп тил билсак, шунча яхши. Фарзандларимизда ёшлигидан хорижий тилларни чуқур эгаллашга қизиқиш уйғотиб борсак, бевосита унинг ҳам, мамлакатнинг ҳам истиқболига бефарқ қарамаган бўламиз. Лекин, энг аввало, ўз она тилимизни асло эътибордан қолдирмаслигимиз шарт. Хўш, Давлат тили тўғрисидаги Қонун айни пайтда қандай ижро этилмоқда? Тилимизга давлат мақоми берилган санага ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Орада кечган ўн икки йил мобайнида матбуотимизда бу борада юзлаб, балки минглаб мақолалар чоп этилгандир. Бироқ улар мавжуд камчиликларнинг бартараф этилишида амалий аҳамият касб этяптими?

Афсуски, ҳали-қануз кўпгина идораларда давлат тилида иш юритилмаётгани, тил ҳақидаги қонун эса қоғозда қолиб кетаётганини кўриб, ташвишланмай иложингиз йўқ. Лекин, айбни фақат идора ва ташкилотларга юклаб қўявериш ҳам инсофдан эмас. Тилимиз том маънода ўз қадр-қимматини топа олмаётганига ўзимиз ҳам айбдор эмасмизми? Ўзимиз ўз она тилимизни ардоқламас эканмиз, буни бошқалардан талаб қилишга на ҳожат.

Албатта, гапирганда далил билан гапириш лозим. Юқоридаги гапларимизни исботлаш учун эса ҳеч қандай машаққат талаб этилмайди. Оддий мисол: жамоат транспортидаги кондуктор ўзбек бўла туриб, сиздан русчалаб чипта олишингизни талаб қилади. Чанқаб газ сув автоматига яқин борсангиз, шапалоқдай ёзувга кўзингиз тушади: "Газ-вода, с сиропом... без сиропа...". Ҳар қадамда учрайдиган, дуч келган устун ва деворларга илиб кетилган хилма-хил эълонлар орасидан гаров бойлаб бирорта ўзбекчасини тополмайсиз. Гўёки эълон берувчилар ичида биттаям маҳаллий миллат вакили йўқдай. Ҳали-қануз "Алайский", "Сквер", "Дружба народов", дея қотиб қолган тилимиз "Олой бозори", "Амир Темур хиёбони", "Халқлар дўстлиги", каби ўзбекона атамаларга қўниколгани йўқ. Ҳатто биргина телефон гўшагини кўтарган чоғимизда ҳам "лаббай" деб эмас, "Да, алло", дея жавоб қайтарамиз. Э-ҳе, айтаверсак бундай қусриётлар адо бўлмайди.

Ҳар қанча майда кўрингани билан йирик муаммолар ечими ана шундай икир-чикирлардан бошланмайдими?! Ватанни севиш жонажон тилимизни эъзозлашдан бошланади-ку, ахир. Ардоқ ва хурматга лойиқ гўзал ва қадимий тил соҳибимиз. Она тилимизни эъзозлаш билан ўз миллий ифтихоримизни намойиш эта билган ва буюк аждодларимиз руҳини шод этган бўламиз.

Рустам ЖАББОРОВ

"ЖАМОЛ ОТА"НИНГ БАРАКАСИ

(Боши 1-бетда)

Янгийўллик Аъзамхўжа Жамилов ҳам кўп йиллар ҳуқуқшунослик соҳасида ишлаган зиёли инсонлардан. У бозор иқтисодиётининг асл моҳиятини тезда тушуниб етди. Бундай шароитда қандай иш тутмоқ, нима билан шуғулланмоқ, эртанги кун ҳаётининг фаровон бўлиши учун нимадан иш бошламоқ кераклигини дарҳол англаб етди.

Қолаверса, Президентимиз ва ҳукуматимиз тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун жуда катта имконият ва имтиёзлар яратиб берди. Бундай имкониятлардан ўз вақтида фойдаланилса, ҳеч ким зарар кўрмаслиги кундай равшан эди. Шунинг учун А.Жалилов Янгийўл тумани "Қовунчи" жамоа хўжалигидан 6,17 гектар ер олиб, деҳқончиликка ихтисослаштирилган "Жамол ота" фермер хўжалигини ташкил этди.

Мавжуд ер майдонининг 2 гектари иссиқхона бўлиб, бу ерда асосан бодринг ва помидор етиштирди. Аммо, иссиқхонанинг қурилганига анча йиллар бўлганлиги, ундаги ускуна ва қувурлар эскириб кетганлиги сабабли қутилган ҳосилни олиш ниҳоятда қийин бўлди.

Аъзамхўжа ушбу жудда биринчилардан бўлиб фермер бўлганлиги учун одамлар "ана фермер бўлиб нима бўлди" деган сўзларни айтишлари мумкинлигини ўйлаб, қандай бўлмасин, хўжалигини ўзгалар ҳавас қиладиган даражада тиклаш учун астойдил меҳнат қилди. Қарз-қавола қилиб бўлса ҳам пул йиғиб, иссиқхонани қайта қурди. Натижа эса кутилгандек бўлди. Келаси йил иссиқхонадан яхшигина даромад ола бошлади. Қўл остида ишловчи 25 кишининг қилган меҳнатларидан моддий манфаатдорликлари орта бошлади.

Кейинроқ иссиқхона яна 35 сотихга кенгайди. Ўтган йили фермер хўжалиги аъзолари 40 тонна помидор, 20 тонна лимон етиштирдилар. Бу билан улар қишда ҳам эл дастурхонини турфа сабзавот ва цитрус мевалари билан тўкин бўлишига ҳисса қўшдилар.

Жорий йилда эса улар 46 тонна помидор, 20 тонна лимон ҳосилини йиғиштириб олмоқчилар. Шу кунгача 10 тоннадан ортиқ бодринг етиштирилди.

Ҳалол меҳнат туфайли топилган мўмай даромад яна янги ишларга қўл уришга даъват этди. У шу ниятда ўтган йили "Қовунчи" жамоа хўжалигининг сут-товар фермасини кимошди савдосида 90 бош қорамоли билан 15 миллион 900 минг сўмга сотиб олди.

Айни кунда фермер хўжалиги ихтиёрида 187 бош қорамол бор. Шундан 33 боши соғин сигирлар. Аъзамхўжа чорвачиликда асосий эътиборни молларнинг зотини яхшилашга қаратаётир. Шу мақсадда турли жойлардан зотли молларни сотиб олиб келди. Ферма сут ва гўшт етиштиришга мўлжаллангани учун бу ерда моллар бўрдоқига ҳам боқилмоқда.

-Чорва молларини ем-хашак билан таъминлашда ҳеч қандай муаммо йўқ, - дейди фермер А.Жамолов. – Емни шартнома асосида Янгийўл ёг-мой комбинатидан оламиз. Нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Масалан, 1 килограмм шелуха 3 сўм 73 тийин, шротнинг килоси эса 8 сўмдан. Шунингдек, 52 гектар экин майдонимизга чорва озуқасини экамиз. 15 гектар ерга экилган маккажўхори ҳосилидан ўзимиз ем тайёрлаймиз. Ҳозирги кунда чорва моллари учун қишлик емхашакни деярли ғамлаб бўлдик.

Бугунги кунда "Жамол ота" фермер хўжалигида 55 киши иш билан банд. Улар олаётган иш ҳақларидан қониқиш ҳосил қилишмоқда.

Бежизга элни тадбиркор боқади, дейишмайди. Ўша 55 ишчининг тирикчилиги, рўзғорининг бутлиги шу фермер хўжалиги орқали ўтади. Қолаверса, Аъзамхўжа аканинг фермер бўлиб кам бўлмаганлигини кўрган бошқаларнинг ҳам фермер бўлишга, мулкка эгалик қилишга иштиёқи зўрайди. Элнинг бойи кўпайса, юртнинг фаровонлиги ортаверади. Фермер А.Жамоловга ўхшаган инсонларнинг ўзгаларга кўрсатаётган ибратли ишларининг моҳияти ҳам айнан шундадир.

Ҳанифа ШАМШИЕВА

* * *

СУРАТЛАРДА: хўжалик ишчилари Феруза ва Атҳам Жамоловлар; ҳосил чўғи баланд.

РАҲБАРКИ МОНИТОРИНГНИ БИЛМАСА...

Мамлакатимизда давом этаётган иқтисодий ислоҳотлар ўзга соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда. Меҳнаткаш деҳқон ва фермерлар ерга эгалик қила бошлагач, самара ҳам кўпайди.

Деҳқон ва фермерлар ўз ҳисоб рақамига эга бўлди, пудратчи ширкат хўжалигида ҳисоб-китобни чек дафтарчаси орқали олиб бормоқдалар. Улар молиявий жиҳатдан мустақил ҳаракат қилмоқдалар ва шу йўл билан умумий катта даромадга эга бўлмоқдалар. Мазкур омиллар деҳқонни янада унумли ишлашга ундаб, моддий манфаатдорлиги ошишида катта аҳамият касб этмоқда.

Соҳадаги ислоҳотлар самараси ўлароқ эндиликда меҳнаткашнинг ишга муносабати мутлақо ўзгармоқда, у янада кўпроқ ҳосил етиштиришга интилмоқда. Агар пудратчилар фаолиятига назар ташласак, ҳозир аграр соҳада 1866 та хўжалик ширкатларга айлантирилган. Уларнинг 1.378 минг нафар аъзоси бор. Аъзолардан 99 фоизига пай гувоҳномалари тарқатилган.

Бугунги кунда пудратчи иш юритишнинг чек усули самарали эканлигига ўз фаолияти мисолида амин бўлмоқда. Масалан, Дўстлик тумани "Оқ олтин" ширкат хўжалигидаги оилавий пудрат бошлиғи М.Чеварова ўтган йили пахта етиштириш харажатларидан 460 минг сўм иқтисод қилиб қолди. Шартномага кўра унга ушбу маблағнинг 70 фоизи, яъни 320 минг сўми мукофот сифатида берилди. Ёки Тошкент туманидаги Фиёс Умаров номли ширкат хўжалиги 2000 йилни 60 миллион сўм фойда билан якунлаб, бу маблағнинг 19 миллион сўмини дивиденд сифатида ажратди. Хўжаликнинг ҳар бир пайчиси ўртача 57 минг сўмдан мулкий пайларига мутаносиб равишда дивиденд олди. Фақат жорий йилнинг ўзидагина мамлакатимиз бўйича ички шартномани ошириб бажарган пудратчиларга 125228 тонна дон берилди. Бу рақамлар ҳам яна бир бор юқоридаги фикримизни тасдиқлаб турибди.

Афсуски, соҳадаги ислоҳотлар ҳамма ерда ҳам кўнгилдагидек олиб борилаётир, деб бўлмайди. Ислоҳотлар моҳиятини ҳали айрим ўрта бўғин раҳбарлари ҳам яхши тушунмаган кўринади, чоғи. Масалан, Яккабоғ туманидаги Узоқ Мирзаев номли ширкат хўжалиги

КЕНГАШ

ҳисобчиси И.Ёрматов ширкат хўжалигини жамоа хўжалигидан фарқлай олмаслигига нима дейиш мумкин? Бу ҳали ҳолва экан. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг яқинда бўлиб ўтган ҳайъат йиғилишида Зарбдор тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий (!) масалалар бўйича ўринбосари Шоғдор Ортиқов мониторингни режалаштириш деб таърифласа бўладими?!

Энди ўзингиз айтинг, бу ҳолатда пудратчига қачон чек дафтарчаси етиб боради? Ҳали ҳам ўзини "мен колхозчиман" деб ўйлаётган бўлса, ишида унум, даромадида барака бўлмаса меҳнаткашни айблаб бўлмайди, албатта. Ўрта бўғин раҳбарларининг айримларини олга интилаётган поезднинг юзлаб ғилдираклари орасидаги орқага айланаётган бир-икки ғилдиракка қиёслаш мумкин. Раҳбарки пай гувоҳномаси, чек дафтарчаси, ички шартнома каби оддий, лекин зарур нарсаларнинг моҳиятини билмаса пудратчидан не гина? Мантиқан олиб қарасак, улар олий маълумотли ва ҳар қандай мураккаб ҳисоботни ҳам дўндириб ташлайдилар. Жуда содда тизим – пай, чек, ички шартнома кабиларни идрок этмаслиги эса уларнинг янгиликни хушламаётганидан далолат эмасми?!

Бизнинг куюнишимиз ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган баъзи раҳбарлар, мутасаддилар учун эмас, албатта. Биз улар ортидаги меҳнаткашларнинг қўли ишдан совиётганига, юқоридан бошланган хайрли тадбирлар қуйида амалиётга татбиқ этилмай қолаётганига ачинаяпмиз, холос.

Ҳайъат йиғилишида бу куюнчаклик амалий чора-тадбирлар, таҳлил ва танқидларда намоён бўлди. Шунингдек, йиғилишда иқтисодий ислоҳотларда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Эндиги вазифа уларни тезроқ ижро этиш керак. Бу ерда яна гап ўрта бўғин раҳбарларига бориб тақалмоқда.

Тоҳир ДОЛИЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Самарқанд туманидаги "Миришкор" фермер хўжалиги аъзолари шаҳарликлар дастурхонини турли хил ноз-неъматлар билан таъминлаш ниятида астойдил тер тўкишмоқда. Улар 4 гектар майдонга экилган карамнинг ҳар гектаридан 350 центнер ўрнига 450 центнердан ҳосил йиғиштириб олишди.

СУРАТДА: фермер хўжалиги ҳисобчиси Умид Ражабов ҳамда уста деҳқон Абдурашид Давронов бу йилги ҳосил чўғидан мамнун.

Б.АКРОМОВ олган сурат.

ЧОРВАГА КАСАЛЛИК ЙЎЛАМАСИН ДЕБ

Мадат ака Гелдиев чўл одами. Нишон яйловлари, ундаги ҳар бир тепалик, қир-адир, чўпон ўтовлари беш қўлдек аниқ. Умрининг қарийб ярим асрини чорвачиликка бағишлаган, қоракўл қўйлар зотини яхшилаш, наслдор моллар етиштиришга ҳисса қўшиб келаётган бу фидойи инсонни Қашқадарёда яхши билишади, тажрибали мутахассис сифатида ҳурмат қилишади.

Ўрта мактабни битирган ўн етти ёшли ўспиринларга воҳанинг таниқли кишиси, тажрибали чорвадор Чўли ота Бегимқулов оқ йўл тилаб, нишонлик болаларга алоҳида меҳр билан эзгу истаклар билдирган эди. Улар сафида ўсмир Мадат ҳам бор эди.

-Болаларим, сизлар чорвадор фарзандларисиз, - деганди табаррук қария ўшанда. – Халқимизда деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда ўзини тиклайди, деган нақл бор. Элимиз дастурхонини тўкин қилишдек улуғ ишда омад тилаймиз.

М.Гелдиев 1956 йилдан бошлаб ветеринария санитари, шофёр, ем-хашак бригадири бўлиб ишлади. Ишлаб чиқаришда тўрт йил амалий тажриба орттиргач, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария бўлимига ўқишга кириб, 1965 йилда муваффақиятли тугаллади.

Бундан етмиш йил муқаддам ташкил этилган "Нишон" давлат қоракўлчилик наслчилик заводида қўйлар сони кўпайиб, моддий-техника базаси мустаҳкам, иқтисоди бақувват хўжаликка айланганди. Касбига меҳри баланд ёш мутахассис М.Гелдиевга олийгоҳни битиргандан сўнг уч ой ўтар-ўтмас ана шу катта хўжаликнинг бош ветеринария врачи вазифасини ишониб топширишди. Вақт елдирим, дейдилар. Ўшандан бери у чорвадорлар сафида, чўпон-чўлиқларнинг қадрдонига айланиб қолган. Вилоятда чорвачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган хўжаликнинг ўша йиллардаги директорлари марҳум Салоҳиддин Асомов, Наримон Бадалбоев, ферма мудирлари Омон Жўраев, Наримон Раҳмонов, Олим Алпоновлардан раҳбарлик сирларини ўрганди.

Қарийб ўн йил бош ветеринария врачи вазифасида ишлаб, чорва молларида учрайдиган бурцеллёз, ценуроз ва эхинококк касалликларига қарши даволаш-профилактика ишларини амалга оширди. Ёш мутахассисдаги изланиш, билим ва тажриба ҳисобга олиниб, туман микёсидаги раҳбарлик ишларига юборилди. Ўн йил давомида Қарши ва Нишон туманлари ветеринария идораларига бошчилик қилди. 1984 йилда вилоят ветеринария бошқармасининг бошлиғи этиб тайинланди. Чорва молларида учрайдиган юқумли касалликларни бартараф этиш, туёқ сонини ўстириш, маҳсулот салмоғини оширишга самарали улуш қўшди.

КАСБИ ОДДИЙ, ҲИММАТИ ОЛИЙ

Йил қуруқ келганиданми ёки раҳбарларнинг лаёқатсизлигиданми "Нишон"да ишлар орқага кета бошлади. Вилоят раҳбарияти Мадат Гелдиевни воҳадаги йирик чорвачилик хўжалиги – "Нишон"га директор қилиб юборди.

-Етти йил давомида қадрдон жамоада ишладим, - дейди Мадат ака биз билан суҳбатда. – Қоракўл қўйлар сони 48 минг бошдан 68 мингтага етказилди ёки 20 мингтага кўпайди. Камида уч йилга етадиган хашак жамғарилди ва ортиқчаси вилоят хўжаликларига сотилди.

Ташаббускор раҳбарнинг тадбиркорлиги туфайли 840 та чўпон хонадони газлаштирилди. 500 нуқтали автоматтелефон станцияси ишга туширилди. Отқудуқ яйловида 10 та чўпон уйи қурилди. Чўлдаги 1- ва 3-фермаларга бориш учун 16 километр йўлга асфальт ётқизилди. Керкинчак яйловидаги чўпон хонадонлари янада обод ва чароғон бўлди.

Қирққулоч, Кафтарли, Гулбодом, Гирсанг, Чиғил, Саксондара, Учмола яйловларида шувоқ, сузан, қўзигул, каррак, янтоқ каби тўйимли ўт-ўланлар мўл бўлади. Фасллар келинчаги баҳор ўз сепини ёйганда яйловлар яшил бахмал сингари товланади. Чорва озуқасини кўпайтириш мақсадида хўжалик ҳудудида 5 минг гектар майдонда саксовулзорлар барпо этилган, 150 гектар ерга изен ва тересканг ўсимликлари экилганди. Мадат ака доимо яйловлар самарадорлигини ошириш муаммолари ҳақида ташвишланиб сўзлайди. Чунки, от боғловда, қўй яйловда семиради, деб бекорга айтилмаган.

-Мадат ака 1993 йилдан бошлаб вилоят ветеринария лабораториясига раҳбарлик қилиб келмоқда, - дейди вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи Ўктам Муродов. – Ишчан ва тажрибали мутахассиснинг ташкилотчилиги туфайли жамоанинг ишлари анча ўнгланди.

Ветеринария лабораториясининг фаолияти мураккаб ва масъулиятли. Унинг 11 жойда бўлимлари, 19 жойда бошланғич нуқталари ишлаб турибди. Людмила Кондратенко, Роза Ашурова, Абдиқодир Жумаев каби ходимлар туманлардан келадиган материалларни синчковлик билан ўрганиб, аниқ ташхис қўядилар. Шаҳрисабздан Муртоза Муродов, Китобдан Абдураҳмон Назриддинов, Касбидан Салоҳиддин Очилов, Ғузордан Шамсиддин Равшанов, Деҳқонободдан Лолаш Ҳакимов каби мутахассислар Мадат ака билан доимо ҳамкору ҳамнафас.

Вилоят хўжаликларида 67 минг бош қорамол, шу жумладан, 25300 бош соғин сигирлар, 489 минг бош қўй-эчки, 190 мингта парранда парвариш қилинмоқда. Ҳайвонлар касалликларига қарши курашда М.Гелдиев бошлиқ мутахассислар ҳамиша ҳушёр ва сергак туришибди. Уларнинг фаол ҳаракати туфайли оқсил ва қуйдирги каби юқумли касалликларнинг тарқалишига мустаҳкам тўсиқ қўйилди.

Ҳаётнинг барча поғоналарида синовлардан оқиллик билан ўтиб келаётган Мадат Гелдиев халқига, юртига фойдаси тегаётганидан, раҳматли отаси Гелди бобо ва онаси Беғам момоларнинг орзулари рўёбга чиқаётганидан мамнун.

Иззат ҲИКМАТОВ

ДАЛАСИДАН ЎРГИЛГАН ДЕҲҚОН

(Боши 1-бетда)

Ортиқбой Абдурахмонов ташкил этган деҳқон хўжалиги эса насосдан сув ичадиган ноқулай адирнинг қоқ белига жойлашган. Аммо, у меҳнат қилиб, ҳаммани қойил қолдирди. Гапни у эккан тут кўчатларидан бошлайлик: 35 сотих ерни айланган тутқатор 18-20 грамм ипак қуртига бемалол етади. Пилла мавсумида 30-40 минг сўм даромад, икки оиланинг бир қишга етгудай ўтин-чўпи тайёр. Шу йилнинг ўзида 1,5 тонна буғдой олди, ўрнига экилган маккажўхоридан ҳам камида бир тонна дон кутяпти. Сомон ва поя эса қўш сигир, бир жуфт қўй ва 15 товуққа етиб ортади.

-Ўн икки қоп кунгабоқаримиз камида юз кило мой, 300 килоча кунжара бўлади, - дейди Ортиқбой. – Хуллас, ер ўзимизниям, чорвамизниям боқиб турибди. Чорва бўлса ерга қувват – йил бошидан буён пайкалга солинган тўрт тележка гўнг молхонамиздан чиққан.

Бу хонадонда иш ва турмуш шундай йўлга қўйилган. Дастурхонда нон, тухум, сут, сариёғ, гўшт доим муҳайё, Ортиқбой ҳар янги йил арафасида битта ҳисори қўчқорни сўйиб олади десак, сўзимиз кўпайиб, тафсилотларни майдалагандай бўлармиз. Лекин, деҳқонман деб белини боғлаган одамга бу ишларнинг бирортаси ҳам майда нарса эмас. Гапнинг сирасини айтганда, Ортиқбой Абдурахмонов йилига олаётган ярим миллиондан мўлроқ, бир миллиондан чоғроқ даромадга 35 сотихлик даласини минг айланиб, минг ўргилиб эришади.

Шуниси қувончлики, Ҳамид Олимжон номли ширкат хўжалигида ташкил этилган 1200 дан ортиқ деҳқон хўжалигининг аксарияти ерга меҳр қўйган ёшлар тасарруфида. Ҳусанбой Умрзоқов ана шундай йигитлардан бири. Эндигина 21 ёшга қадам қўйди. Ўзининг айтишича, йиллик даромади 400 минг сўмдан кам эмас. Омборидаги 1200 килограмм буғдой бу ҳисобга кирмас экан.

Чортоқ туманининг Короскон, Ойқирон, Мучум қишлоқларида бундай миришкорлар жуда кўп. Ҳокимиятда айтишларича, бу мақтовни Сарой қишлоғи ҳақида айтиш қийин. Бу ерда айримлар ернинг умрини беҳуда ўтказмоқда, фақат маккажўхори экишни касб қилиб олган "омилкорлар"нинг иш унуми ҳам, ҳосилдорлиги ҳам паст. Барибир Чортокда ер билан тиллашадиганлар жуда ҳам кўпки, ҳалигиндайлар шоли ичидаги курмакдай гап. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, мавжуд етти мингга яқин деҳқон хўжалигида 34 таси бугун банкда ўз жорий ҳисобини очган.

Бинобарин, фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқдаги иқтисодий ислоҳотлар ва мўл-кўлчилик таянчи сифатида ўзини кўрсата олиши аниқ. Энг муҳими шуки, улар шоир айтганидай истиқлол "осмондан ёғилган чалпак эмас"лигини, уни мустаҳкамлаш ва буюк келажакни яратиш учун ғайрат ва ташаббускорлик зарурлигини яхши биладилар.

Рустамжон УММАТОВ

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

АРМИЯ БУЙРУҚ КУТМОҚДА

Расмий Вашингтон 11 сентябрдаги террор ҳаракатларида Усама бин Лоден ҳамда унинг "Аль-Қоида" уюшмаси қўли борлиги ҳақидаги далил-исботларни ўз иттифоқдошларига маълум қилди.

Форс кўрфазида эса Афғонистонга уюштирилажак оммавий ҳужумда иштирок этиш учун 30000 кишилик қўшин шай ҳолатда турибди. Куни кеча эса қирувчи самолётлар учиб-қўна олиш имкониятига эга бўлган яна бир "Китти Хок" номли АҚШ кемаси кўрфазга кириб келди.

Аммо "Си-эн-эн" агентлиги хабар беришича, агарда Эрон ҳаво бўшлиқларини мунтазам равишда бузиб келган Қўшма Штатларнинг ҳаво кемалари унинг ҳудудлари орқали Афғонистонга ҳужум бошласа, у ҳолда расмий Теҳрон Америка самолётларига қарши жавоб ҳаракатларини қўллайди. Мамлакат мудофаа вазири Али Шамхаций, "Биз америкаликларнинг ҳар қандай ҳарбий амалиётларига қаршимиз", дея фикр билдирди.

ПОМИРДАН ПАНОҲ ТОПГАН БИН ЛОДЕН

Покистонда чиқадиган "Ньюс" газетасининг ёзишича, дунё ҳамжамияти диққат-эътиборида турган саудиялик террорчи Усама бин Лоден айни пайтда Афғонистон шимолидаги Помир тоғ тизмасининг бориш ўта мушкул бўлган ҳудудига яширинган.

Абадий музликлар билан қопланган, Покистон, Тожикистон ёки Хитойга ўтиб кетиш жуда қулай бўлган ушбу манзилга фақат тажрибали маҳаллий кишигина бора олади.

Ҳозирда бўш турган бу жойда бир вақтлар собиқ СССРнинг баллистик ракеталари сақланган ер ости ҳарбий базаси жойлашган эди. Рус разведкаси маълумотларига кўра, 1-рақамли террорчи аввалданоқ мазкур ҳудудда узоқ муддат яшаш имкониятини яратган бўлиб, унинг хавфсизлиги "Аль-Қоида"нинг 3,5 минг жангариси томонидан таъминланмоқда. Газетада келтирилишича, айни дамда Қўшма Штатларнинг махсус вазифаларни бажаришга мўлжалланган энг кучли ҳарбий бўлинмаси бин Лоденни йўқ қилиш учун Помир тоғларига юборилган. 2 мегаваттли қувватга эга жанговар лазер билан қуролланган Америка ҳарбийлари террорчини ер остидан чиқариб олишда GBU 15 русумли махсус бомбадан фойдаланадилар.

ОРЗУЛАРИ УШАЛМАГАН ГЕНЕРАЛ

Покистон президенти генерал Парвез Мушаррафнинг билдиришича, Афғонистонга яқин кунларда ҳужум уюштирилиши аниқ. Чунки толиблар ўзларига қўйилган шартни бажармадилар.

Жумладан, бин Лоденни АҚШ ихтиёрига топшириш масаласида расмий Исломободнинг аралашувлари ҳам бекор кетди. Генерал шахсан ўзининг Толибларни кўндириш учун қилган саъй-ҳаракатлари барбод бўлганини тан олди. Сабаби, бир томондан толибларнинг муроса йўлини хоҳлашмагани бўлса, иккинчи томондан Покистонда Америка билан ҳамкорлик қилинишига қарши намойишлар ўтказилаётганидир.

ЯХШИЛИКНИ БИЛМАГАНЛАР

Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин томонидан чечен жангариларига қуролларини топшириб, осуда турмуш кечиришлари ҳақида қўйилган таклиф кутилган натижа бермаганидан сўнг, Федерал кучлар Чеченистон бўйлаб кенг қамровли янги ҳарбий тадбирларни бошладилар.

Президент ёрдамчиси Сергей Ястржембскийнинг маълум қилишича, Ҳаттобнинг разведка масалалари бўйича муовини бўлиб хизмат қилган, аммо яқинда ўлдирилган иорданиялик Абу Ёкубни 100 га яқин жангарилардан иборат 6 гуруҳининг учтаси Арғун дарасига кираверишда йўқ қилинган. "Старие Атаги" қишлоғидаги Ёқуб қароргоҳидан эса компьютер, факс қурилмалари топилди. Айни вақтда Дуба-Юрт, Чири-Юрт, Старие ҳамда Новие Атаги аҳоли манзилларида Федерал кучларнинг кенг қамровли ҳаракатлари давом этмоқда, деб хабар беради "Новости" ахборот маҳкамаси.

КАШМИРДА ТЕРРОР ҲАРАКАТЛАРИ

Куни кеча Ҳиндистоннинг Кашмир штати маркази ҳисобланмиш Сринагар шаҳридаги парламент биноси ёнида амалга оширилган машина портлаши туфайли ҳалок бўлганлар сони 36 тага етди. Гувоҳларнинг айтишларича, бино ичида ҳам бир нечта кичик портлашлар юз берган.

Шу куни парламентга нечта ходим ва ташриф буюрувчилар келгани аниқ эмас. Лекин бино ичига яширинган полиция кийимидаги жангарилар билан хавфсизлик кучлари ўртасида 2 соатлик отишма содир бўлган. Ҳозирда ушбу хуруж жавобгарлигини "Jaish-e Mohammad" уюшмаси ўз бўйнига олган бўлиб, ундан бир неча кун аввал Кашмир ҳудуди бўйлаб амалга оширилган террор ҳаракатлари туфайли 50 га яқин киши ҳалок бўлган эди.

БМТ ВА РОССИЯ ЁРДАМИ

Ҳар дам Америка Қўшма Штатларининг қасос ҳужумини кутиб яшаётган "Толибон" ҳаракати айни вақтда Қобул шаҳри атрофида мустаҳкам ҳимоя воситаларини барпо этмоқдалар. Ҳозирда шаҳарда 6,5 минг жангари тўпланган.

Қандаҳорда эса АҚШга қарши миналар кишиларнинг намойишлари бўлиб ўтди. Улар Америка давлати байроғини ёқиб юборишиб, бутун мусулмонларни муқаддас уруш - "жиҳод"га чақирдилар.

Шунингдек, аҳолининг учдан икки қисми ёрдамга муҳтож яшаётган мамлакатда юзага келган иқтисодий тангликни бартараф этиш учун Қобулга БМТнинг 200 тонналик буғдой ёрдами келтирилди. Бундан ташқари, Тожик-Афғон чегарасида ўзининг 11 минг кишилик армияси турган Россия Федерацияси ҳам Шимолий Иттифоқ жойлашган туманларга кийим-кечак, одеял, чодир ҳамда 5 минг тонналик шакардан иборат биринчи инсонпарварлик қўмагини юборди.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Камолиддин АЛИОХУНОВ тайёрлади.

ХИВА ФИРДАВСИ

(Боши 1-бетда)

Биринчи давр. Ичон қалъа ҳудудига одамлар кўчиб кела бошлаши билан боғлиқ бўлиб, археологик материалларнинг шаҳодатича, бу эрамиздан аввалги V асрга тўғри келади. Кулолчилик чархида тайёрланган сопол буюмлар мажмуи, шунингдек, пахса девор қолдиқлари ана шу даврга мансубдир. У даврда Ичон қалъа ҳудудида деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Милоддан аввалги V-IV асрлар чегарасида қадимий Хоразмда қатор тарихий воқеалар юз берди. V аср охирида Аҳмонийлар тасарруфидаги Эрон сиёсий тазйиқларидан халос бўлиши мустақил Хоразм давлатининг шаклланиш жараёни фаоллашувини янада тезлаштирди. Айнан шу даврда Хивада шаҳар тизимининг асосий унсурлари пайдо бўла бошлади.

Иккинчи даврда Ичон қалъа ҳудудининг тўла ўзлаштирилиши юз беради. Бутун кўҳна қалъа пахса ва хом ғиштдан бунёд этилган қалин кўш девор билан ўраб олинади. Қалъа асосий деворининг бутун тизими ундан 4,4-8,4 м узоқликдаги яна бир кўшимча тўсиқ девор билан ўраб чиқилган.

Деворлар орасидаги йўлакдардан топилган сопол буюмлар милоддан олдинги IV-III асрлар билан белгиланади. Нафис ишланган, сиртига оч пуштиранг гул солинган хумлар ва шер боши тимсолидаги кўза тутқичи ҳам нодир топилмалар жумласидандир.

Шаҳарлаштиришнинг илк даврида умумий жараёнга деҳқончилик-ҳунармандчилик шаҳри сифатида жалб этилган Хива милоддан аввалги II асрга келиб ҳувиллаб қолади. Унинг каттагина қисмини қум сахроси ишғол этади. Ичон қалъа деворларининг вайрон бўлиши ҳам шу даврга тўғри келади.

Учинчи давр – қадимги Хиванинг янгидан гуллаб-яшнаган даври. Милодий биринчи асрлардан шаҳарда ҳаёт тиклана бошлайди. Бутун шаҳар янгидан обод қилинади. Қалъа деворларининг ғарбий томонида Ўрда бунёд этилади. Кушонлар даврида, яъни милодий I-IV асрларга келиб Ичон қалъа ташқи томонидан қалин ғиштин девор билан мустаҳкамланади, натижада қалъа деворининг қалинлиги 7,5-9 метрга етади. Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, милодий IV асрнинг иккинчи ярмида шаҳар тарихида иккинчи сўниш жараёни кузатилади – уни яна қум босади.

Хиванинг қайта тикланишини кўрсатувчи **тўртинчи давр** VI-VIII асрлар қатламларида қайд этилган. Ўша замонларда бутун Хоразм воҳаси аҳоли яшайдиган кўрғонлар билан қопланади. Хива ҳудудида илк феодал кўшқари сирасидаги иншоотлар пайдо бўла бошлайди. Ичон қалъанинг турли қисмларида амалга оширилган қазишмалар натижаларига асосан, X-XI асрларда шаҳарнинг мудофаа деворлари қурилмасида жиддий ўзгариш юз бермаган, дейиш мумкин.

Хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилган XII-XIII асрлар бошида Хива қайтадан гуллаб-яшнаб, кенгайиб борди, Ичон қалъадан ташқарида маҳаллалар бунёд этила бошланди. Бу шаҳар тарихидаги **бешинчи давр**ни ташкил қилади.

1220-1221 йилларда Хоразмнинг бошқа шаҳарлари қатори Хива ҳам Чингизхон қўшинлари томонидан вайрон этилди. Қалъа девори устида мусулмонларнинг хом ғишт билан ёпилган мозорлари ҳам айни шу йилларда пайдо бўла бошлаган. Хива ҳамда воҳадаги харобазорга айлантирилган бошқа шаҳарлар Чиғатой улуси таркибига киритилди. Аҳолининг вайрона шаҳарни қайта тиклашга киришуви натижасида у тез орада яна жонланиб кетди. Ҳунармандчиликнинг барча турлари босқичма-босқич ривожлана борди. Кулолчилик, кошинкор сопол идишларни ясаш авж олди. XIII-XIV асрларда сополни бадиий безашнинг турли-туман усуллари ҳам кенг таомилга кирди. Сир остига ва сир устига нақш ишлаш, бўйлама нақш, ўймакорлик, бир хил нақш солиш сингари турли-туман усуллар ҳам кенг урф бўлди. Безаклар орасида ўсимлик ва ҳайвонлар тасвири кўплаб учрайди. Юксак бадиийлик билан ишланган идиш-товоқлар пайдо бўла бошлади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Хоразм давлати пойтахтига айлантирилган Хивада ҳар томонлама ўсиш юз берди. Кейинги даврларда, XVI-XIX асрларда шаҳар равнақи янада жадаллашди. Карвон йўллари туташувида жойлашганлигидан унинг шимолий ва жанубий ўлкалар, Ўрта ва Яқин Шарқ шаҳарлари билан ҳам савдо муносабатлари жадал ривожланди. Бу ҳол, айниқса, Хива Амир Темур ва темурийлар давлати таркибига кирган даврда яққол намоён бўлди.

XVII-XIX асрларда маданият ва санъат юксак даражада тараққий этди. Бу давр қудрати ва гўзаллиги маҳобатли, муҳташам бинолар, иншоотлар, саройлар, масжид ва мадрасалар кўркитароватида, уларга чизилган нақшлар, ганчкорлик, кулолчилик буюмлари нафосатида ўз аксини топган. Кўп тармоқли ҳунармандчилик ҳам жадал суръатлар билан ривожлана борди.

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида вужудга келиб, бизнинг давримизгача муттасил ўсиб борган маданий қатламни узоқ йиллар пухта ўрганиш туфайли Ичон қалъа ўрнидаги шаҳарга милоддан илгариги бешинчи асрда асос солинган, деган хулосага келинди. Шунга биноан ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йил октябр, ноябр ойларида Париж шаҳрида бўлиб ўтган 28-сессиясида Хиванинг жаҳон маданияти тараққиётида тутган ўрни алоҳида қайд қилиниб, мамлакатимизнинг яна бир азим ва буюк шаҳри – Бухоро билан бир қаторда унинг ҳам 2500 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланди. Зеро, ер курраси-дагги машҳур Афина, Қоҳира, Рим каби шаҳарлар тенгдоши сифатида жаҳон маданияти меросига қабул қилинган юзта шаҳардан бири бўлган Хива дунёга кўплаб буюк зотларни етказиб берган табаррук замин ҳисобланади. Тарихий ўтмиши, қурилиши, тузилиши, обидаларининг яхлит сақланганлиги жиҳатидан Хива мазкур бобошаҳарлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Ичон қалъа 1967 йилда Ўрта Осиёда ягона тарихий-меъморий ёдгорликлар қўриқхонаси, яъни "Очиқ осмон остидаги музей шаҳар" деб тан олинган, 1990 йил 12 декабрда эса жаҳон маданияти ва меросининг намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган эди.

Ҳозир 26 гектар майдонни ишғол қилиб, кўплаб тарихий, меъморий ва маданий ёдгорликларни бағрига олган "Ичон қалъа" давлат музей-қўриқхонаси шаҳар марказига алоҳида зеб бериб турибди. Уни чор атрофдан ҳозирги замон услубида қурилган кенг ва равон кўчалар, аҳоли истиқомат қилаётган уйжойлар, боғ-роғлар ўраб олган.

Бугунги Хива истиқлол туфайли Хоразм воҳасининг юксак даражада ривожланган ижтимоий-иқтисодий, маданий марказларидан биридир.

А.АБДУРАСУЛОВ,
Хоразм Маъмун академияси "Археология, тарих, фалсафа" бўлими катта илмий ходими.

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

Қораўзак тумани ишбилармон аёллар уюшмаси тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга ҳуқуқий маслаҳат бериш, хомашё билан таъминлаш, лизинг асосида ускуналар сотиб олишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Ўтган йили уюшма орқали 269 хотин-қизга 7 миллион сўмдан ортиқ микрокредит берилди. Шунингдек, «Орол» жамғармаси ҳисобидан 13 тадбиркор аёлга 6 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилди.

- Туманларда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш уларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга туртки бермоқда, - дейди Қорақалпоғистон Республикаси ишбилармон аёллар уюшмаси раиси Жамила Ниёзова. - Биз уларга бизнес-режасини тузиш, ишлаб чиқарган маҳсулотлари бозорини ташкил этишда ҳам яқиндан ёрдам кўрсатяпмиз.

(ЎзА)

Нафақат пойтахтда, балки, юртимизнинг турли гўшаларида ҳам замонавий хизмат кўрсатиш бинолари қад ростламоқда. Учқўприк тумани "Учқўприк" ширкат хўжалигида ҳаммом, чойхона ва кичик дўконларни ўз ичига олган иншоот қуриб битказилди. Айни чоғда иш бошлаган мазкур гузарча хизматидан барча мамнун.

СУРАТДА: чойхоначи Муҳаммадали Хидиров.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

МАҒРИБ ВА МАШРИҚ САНЪАТИ

Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб "Ғарб ва Шарқ инсонпарварликнинг ягона макони" шиори остида халқаро кўргазма ўтказмоқда.

КЎРГАЗМА

Кўргазмада Оврупо, Осиё, Африка, Америка, жами 18 та давлат, шунингдек, республикамизнинг рассомлари ҳамда санъатшунос танқидчилари иштирок этмоқдалар. Етакчи санъат усталари ва танқидчилардан иборат Халқаро ҳайъат кўргазмага якун ясаб, икки номинация бўйича Гран-при совриндорларини аниқлайди.

Кўргазмада Ўзбекистон санъат усталари ўз имкониятлари ва истиқбол уфқларини намойиш этиб, вакилларимиз ижоди билан халқаро бадиий жамоатчиликни яқиндан таништирадилар. Анжуман ниҳоясига етгач, халқаро кўргазма меҳмонлари белгиланган муддат мобайнида пойтахтимизнинг Темурийлар тарихи Давлат музейи ва "Уста" ижодий бирлашмасида ҳамда қадимий Самарқандда бўладилар. Халқаро кўргазманинг ёпилиш маросими "Туркистон" саройида бўлиб ўтади.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

ДЎСТИНГНИ ЎЗ УЙИДА КЎР

Қўрқоқ одам тукидан билинади.

* * *

Яхши от ўзига қамчи урдирмас.

* * *

Ёзда ётган қишда тиланар.

* * *

Танбаллик озор келтирар.

* * *

Кезмоққа ғурбат, ўлмоққа Ватан яхши.

* * *

Эл кучи, сел кучи.

* * *

Эл бирикса, тоғни жойидан қўзғатар.

* * *

Ватанга хиёнат қилганда, диёнат бўлмас.

* * *

Дўстингни ўз уйида кўр.

* * *

Дўст отган тош, бош ёрмас.

* * *

Мард йўлдошинг бўлса, Румга ҳам боравер.

* * *

Оз ошим – оғримас бошим.

* * *

Ёлғон сўз юз қизартирар.

* * *

Арслоннинг эркак аёли бўлмас.

* * *

От ишлар – йигит ўйнар.
Заҳмат беҳуда кетмас.
Элни деган, иложсиз қолмас.
Йигит ўлар, номи қолар.

Тўпловчи:
Рустам БЕК.

"КАТТАБОҒ"ДА ЎЗГАРИШЛАР КАТТА

Каттабоғ Хоразмнинг энг қадимий қишлоқларидан бири. Олимларимизнинг фараз қилишларича, қишлоқ ёши 3 минг йилнинг нари-берисида. Мағрибу Машриқни бирлаштирган "Буюк ипак йўли" айнан шу қишлоқ марказидан ўтиб, Хива қалъасигача боради.

Бу галги ҳикоямиз қишлоқ ўтмишига доир эмас. Бугуни тўғрисида. Аниқроғи, мамлакатимиз Мустақилликка эришганидан сўнг "Каттабоғ"да бўлган ўзгаришлар, қишлоқ кишиларининг ўй-фикрларидаги янгиланишлар ҳақида.

Янгиариқ туманининг Жанубий Ғарбида жойлашган мазкур қишлоқда 9700 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар асосан деҳқончилик билан шуғулланадилар. Ҳунармандлар сулоласи давомчилари қишлоқ довруғини узоқларга ёйди.

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА

Кулолчилик воҳа ҳунармандчилигининг энг қадимий турларидан ҳисобланади. "Каттабоғ" кулоллари сулоласининг олтинчи авлодига мансуб Султонбой Отажонов ҳунари боис, оддий лойдан сайқал топган турли кошинлар, гулдон, нақшиндор лаган, шамдон, кўза, коса ва пиёла, шамчироқлар кишини ҳайратга солади. Бу буюмлар Польша, Чехословакия, Монголия, Болгария каби хориж мамлакатларида ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган. 1999 йилда "Ўзбекистон халқ устаси" унвонини олган Султонбой ота бу каби ҳурмат-эҳтиром фақат мустақиллик шарофати эканлиги хусусида фахр билан гапиради.

Қишлоқнинг 50 жойида тандирчилар фаолият кўрсатаётгани бу қадимий ҳунарнинг ҳам ҳамон эъзозланиб келаётганидан далолатдир. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳар бир устахонада 4 нафар киши меҳнат қилгандаям, 200 та оила шундан рўзғор тебратади. "Каттабоғ"да ҳар куни 300 тадан 500 тагача тандир ясалади. Қишлоқда 100 га яқин шахсий транспорт эгалари тандирларни воҳа туманларига, қўшни вилоятларгача элтиб сотишади.

Биз юқорида Истиқлол яратган имкониятлардан биттасига тўхталдик, холос.

Мустақиллик шарофати туфайли қишлоққа саноат кириб кела бошлади. Ҳозирда 40 нафар киши меҳнат қилаётган "Каттабоғ" фирмасига ана шу қутлуғ воқеа арафасида асос солинган эди. 2000 йилдан бошлаб маҳаллий хомашё - қўй жунидан, пахта толасидан ип тайёрлаш йўлга қўйилди. Харидор ҳам ўзимиздан – Хива гиламчилик фабрикаси. Корхона раҳбари Отабек Раззоқовнинг айтишича, байрам арафасида 25 хонадан иборат янги бинога кўчиб ўтилгач, ҳозирда мавжуд бўлган боз тайёрлаш цехига яна 20 нафар ишчи қабул қилинаркан. Бошқаларига ҳам ишчилар қабул қилиш мўлжалланмоқда. Ўз ишининг устаси бўлган Оляжон Юсупова, Умида Раззоқова, опа-сингил Наргиза ва Муҳаббатлар айни кунларда маҳаллий ёшлардан шогирдлар тайёрлашмоқда.

Қишлоқдаги ишлар билан танишар эканмиз, Республика Вазирлар Маҳкамасининг воҳанинг иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги 1999 йил 13 майда қабул қилган 243-сонли қарорининг бажарилиши борасида қатор ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Юқоридагилардан ташқари қишлоқнинг 8 жойида этикчилик, 2 ўринда бош кийимлар, 3 жойда тикувчилик устахоналари мавжуд бўлиб, уларда 40 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда.

Аваз Ўтар номли ширкат хўжалигида заҳматкаш инсонлар билан суҳбатлашган киши уларнинг истиқлол берган имкониятлардан ғоятда мамнунлигини англайди. Ана шундай мамнунлик туйғуси уларни чарчаш билмай унум билан меҳнат қилишга ундамоқда. Шу боис жамоа ҳамиша ҳосил етиштиришда туман хўжаликларига карвонбошилик қилади.

2001 йилнинг дастлабки ютуқлари янада юксак бўлди: пилладан 18,5 тонна ўрнига 20 тонналик хирмон уюлди.

Манфаатдорлик – имкониятлар калити. Жамоада биринчи галда ана шунга эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир қути ипак қурти учун олдиндан нақд 8 минг сўмдан пул берилди. Топширилган ҳар бир килограмм пиллага жамоа хўжалиги 4 килограммдан буғдой берган. Ғуломжон Абдуллаевлар оиласи 4,5 қути қурт асраб, 310 килограмм "қумуш тола" топширганлар. Меҳнатлари эвазига 36 минг сўм нақд пул, 1240 килограмм буғдой олганлар. Мана сизга деҳқон меҳнати натижаси! Оила бошлиғи жамоада ҳайдовчи бўлиб ишлайди. 1 гектар майдонда ғўза ўстиряптилар.

Каттабоғликлар азалдан деҳқончиликнинг пири комилларидан саналади. Шахсий томорқаларидан камида 2 маротабадан ҳосил олишади. Уй чорваси, боғидан келадиган даромадлар билан қўлларини қайга узатишса етади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатнинг митти бир бўлаги бўлган "Каттабоғ"да Истиқлол туфайли юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар ўз аксини топмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

"КЎЗИМ ЧИҚСИН, СЕНИ КЎРГУНЧА БУНДОҚ..."

Етти нафар фарзанднинг тўнғичи – Ҳамдам уйланди-ю, чўлга кўчиб кетди. Ҳамдам кўрикда жарақ-жарақ пул топди, аммо, ҳисоб топмади.

Йўл кенгайиши муносабати билан уйлар бузилиб, вақтинча, кулбада яшаб қолган отаонаси, жўжабирдай укалари ҳолидан хабар олишни хаёлига ҳам келтирмади. Қишлоғига келган чоғларида ҳам ҳамтовоқлари билан маст-аласт, телбанамо қилиқлар қилиб қайтарди. Қийналиб уй қураётган жигаргўшаларига ёрдам бериш ўрнига уларнинг дилини хурмача қилиқлари билан хуфтон қиларди. Отаси Хуббим ака химикатлардан заҳарланиб, бетоб бўлиб қолди. Узоқ даволанди, наф топмади, оламдан эрта ўтди. Ҳамдам эса бундай кунларда фарзандлик бурчини оқламади.

Ниҳоят, унинг ҳам сочлари оқарди, бироқ, ақлсизлигича қолаверди. Хотини, фарзандлари жонга теккан отани "Уй қуринг, кўчиб кетамиз" дейишиб, қишлоққа жўнатишди. Чордеворни ҳам укалар тиклашди. Ўз уйига сиғмаган отани паноҳларига олишди. Бироқ, пешонаси деворга қайта-қайта урилган бўлса-да, Ҳамдамнинг кўзи очилмаган экан. Чордеворни улфатлар майхонасига айлантирди...

Яқинда бевақт бева қолган бўлса ҳам, бутун умрини фарзандларига бағишлаб келаётган онахонни тавоф қилиш ниятида уйига ўтдим. Не кўз билан кўрайинки, муштипар қарияннинг кўзлари моматалоқ бўлиб кетган-

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

ди. "Йиқилдим, болам" дедилар. Ички бир дард эса онахоннинг юрак-бағри ингранганидан дарак берарди. "Йўқ, энамни Ҳамдам акам урдилар. Мен ҳам, энам ҳам унинг қўлидан аранг қутилдик. Ичавериб-ичавериб тентакдай бўлиб қолган", - деди хўрсиниб Замира.

Кўз олдим туманлашиб кетди. Бир томонда қўлида ароқ шишасини ушлаб олган, ўзига ҳаёт бахш этган муштипарга замбилдай мушт тушираётган барзанги, иккинчи тарафда эса кўнгли титилиб кетаётган онаизор, ўртада ожиз чирқираётган сингил чарх урарди.

Эҳ, онаизор, умидларинг шулмиди? Бундай ўғилни дунёга келтириб, оқ ювиб-оқ тарагунча, туғилган чоғида меҳр билан йўргаклагунча, бўғиб қўя қолсанг нима қиларди?!

Онаизорсан-да, майли, Худо барҳақ, унга ҳам боққан бало бордир. Ҳозир ҳам қонталаш кўзларинг "Мени урган қўлларинг озор чекмадими, болам?" - деб турибди.

Хушимга келаман. Машҳур спектаклда оналарни ойларга менгзаган Навоий бобомиз тилидан айтилган ғамгин-ғамгин сатрлар садо беради:

Кўзим чиқсин, сени кўргунча бундоқ,
Кесилсин тил, сени сўргунча бундоқ...

Ўктам ҚУРБОНОВ

АБДУЛЛА ПОЛВОН – ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ СОҲИБИ

Ўзбек курашининг ривожланиб, жаҳонга юз тутишида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Алҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирларнинг муҳим ўрни бор. Зеро, ушбу мусобақа кураш бўйича ташкил этилган илк турнирлардан бири бўлиб, йилдан-йилга унинг нуфузи, қатнашчиларининг сони ортиб бормоқда.

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ўтказилган навбатдаги бешинчи халқаро мусобақада қатнашиш учун республикамизнинг барча вилоятлари, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон ва Бразилиядан икки юздан ортиқ кураш усталари ташриф буюришди. Турнир арафасида унинг иштирокчилари, ҳакамлар, мутахассислар иштирокида семинар бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан халқаро кураш ассоциациясининг Президенти Комилжон Юсупов миллий курашимизнинг ривожланиш босқичлари ва унинг бугунги кундаги истиқболлари, янги ташкил этилаётган мусобақалар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Мусобақанинг бош ҳаками Муҳаммад Реза Насири (Эрон) эса кураш қоидаларининг янги мезонлари моҳиятини тушунтириб ўтди.

Мусобақалар бошланишидан олдин айрим полвонлардан турнирга қандай тайёргарлик кўришганлиги тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

Абдулла ТАНГРИЕВ, Дзюдо бўйича Республиканинг уч карра чемпиони, Ёшлар ўртасида Осиё чемпиони, Хитойда ўтказилган универсиаданинг кумуш нишонлари соҳиби:

-Ушбу мусобақаларда учинчи бор иштирок этяпман. Универсиададан сўнг бир ой мобайнида қаттиқ тайёргарлик кўрдим. Руҳий ва жисмоний жиҳатдан ўзимни аъло даражада ҳис қиляпман. Мутлақ вазнда ғалаба қозонишни астойдил ният қилганман. Рустам Эргашев, Эрали Махмарасулов, Баҳром Авазовларни асосий рақибларим деб биламан.

Шербек ТОЛИПОВ, Халқаро кураш институти қошида ташкил этилган кураш йўриқчилари курслари тингловчиси:

-Йўриқчилар тайёрловчи курсларнинг илк тингловчилари сифатида ўқишни бошлаганимизга ҳам бир ой бўлди. Бу ерда бизларга информатика, инглиз тили, маркетинг ва менежмент, фалсафа фанларидан сабоқ беришмоқда. Насиб этса курсларни битиргандан сўнг курашимизни хориж мамлакатларида тарғиб этиш ниятларимиз бор.

Институтда саралашдан ўтган ҳолда турнирда 73 килограммлилар ўртасида беллашув совриндорлари сафидан ўрин олиш учун бор кучимни сарфлайман.

28 сентябр куни ишқибозлар билан тўла "Алпомиш" стадионида халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Сурхондарё вилоят ҳокими Бахтиёр Олимжонов, Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Очилов, ХКА Президенти Комилжон Юсупов, ХКА ҳакамлар ҳайъатининг раиси муҳтарам Сузетте Везудентхаут, Бразилия кураш федерациясининг Президенти Жоа Шиффирлар қатнашчиларни ва меҳмонларни миллий спортимизнинг улкан байрами билан қизғин қутлашди.

Биринчи куни 66, 81, 90 ва 100 килограммгача полвонлар ўртасидаги баҳслар бўлиб ўтди. Энг енгил вазнда Туркманистон вакили Ражибой

КУРАШ

Ашуровни енгган Сухроб Дўстов (Наманган вилояти) ғолиб бўлди. 81 килограммгача вазнда эса ушбу мусобақаларнинг уч карра ғолиби қашқадарёлик Исоқ Аҳмедов самарқандлик Рустам Атеевни мағлуб этиб, тўртинчи бор ҳурмат шоҳсупасинингги юқори поғонасидан жой олди. Шуниси қизиқки, бразилиялик курашчи Александр Катсураги ўзи 73 килограмм бўлишига қарамасдан мазкур вазнда учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

90 килограммлилар ўртасида икки карра Жаҳон чемпиони Баҳром Авазов финалда Фарғона вакили Зокир Ҳусановни енгиб ғолиб бўлди.

100 килограммгача вазнда ҳам жуда кучли курашчилар йиғилишди. Бунда финалда самбо бўйича Жаҳон, кураш бўйича Осиё чемпиони Шуҳрат Хўжаев (Бухоро вилояти) сурхондарёлик Давлат Чориевни икки марта ёнбош усулини қўллаган ҳолда енгди.

Шанба куни яна иккита вазн - 73 килограммгача ва мутлақ вазндаги полвонлар ўртасида ғолиблар аниқланди. Унда финалга деярли барча рақиблари устидан соф ғалабалар қозонган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг бронза совриндори бразилиялик Александр Катсураги ва кураш бўйича Жаҳон чемпиони Махтумқули Маҳмудовлар чиқишди. Жуда қизиқарли баҳсда Катсураги ўзининг яққол устунлигини намоён қилган ҳолда иккита ёнбош усулини қўллаб, муддатидан олдин ғалабага эришди.

Мутлақ вазнда беллашган 24 нафар полвонлар орасида айрим енгилроқ вазнлардаги энг кучли курашчилар ҳам бор эди. Зеро, ҳар бир мусобақада ҳам Б.Хўжаев, А.Тангриев, М.Тошев, Р.Эргашев каби юксак маҳорат усталарининг беллашувларини кузатиш насиб этавермайди. Бу вазнда ҳам кутилганидек барча рақиблари устидан ёнбош ва ҳалол усуллари билан устун келган ёш ва моҳир полвон Абдулла Тангриев ҳамда икки карра Жаҳон чемпиони Баҳром Авазовлар финалга чиқишди. Энг чиройли финал беллашувларидан бири бўлмиш ушбу баҳсда Абдулла рақибининг курагини ерга теккизган ҳолда илк ғалабага эришганида стадион олқишларга кўмилди.

Барча ғолиб ва совриндорлар олтин, кумуш ва бронза нишонлари, пул мукофотлари билан тақдирланди. Турнирнинг мутлақ ғолиби Абдулла Тангриевга эса Президент соврини бўлмиш "Нексия" автомашинасининг калити топширилди. Кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпионатининг ғолиби Тоштемир Муҳаммадиев турнирда энг чиройли кураш намойиш этган Александр Катсурагига шахсий туясини совға қилган онлар эса дўстлик ва тинчлик элчиси бўлмиш спортнинг улкан тантанасига айланиб кетди.

Ўйлаймизки, мазкур турнир кашф этган полвонлар халқаро мусобақаларда спортимиз шарафини муносиб ҳимоя этишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: мусобақа ғолиблари.
М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси таҳририят бош ҳисобчиси Акром Ҳошимовга падари бузруквори **Абди ота ҲОШИМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро А.Н.Рустамов номига АТ "Пахта банк" томонидан берилган 3-эмиссияга тегишли ПБИ-сериясидаги имтиёзли, ҳар бирининг номинал қиймати 1000 сўмлик бўлган 1481573 дан 1481582 рақамигача бўлган жами 10 дона акция йўқотилганлиги боис бекор қилинади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Саид АҲМАД, Туроб ҲОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Иқромжон НАЖМИДДИНОВ, Баҳтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР:
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси

Телефонлар:
Қабулхона - 133-09-93 (факс) 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари— 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30 .

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган-8-369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.
Навбатчи: А.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2000 йил 8 августда №00006-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. | Буюртма Г— 2808, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.Адади 10 000 нусха | 123456.